O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 28 август, № 169 (5084) Шанба

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан муборакбод этаман.

Ўтган йиллар мобайнида Сизнинг раҳнамолигингизда мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий янгиланишларни амалга оширишда, ўзининг халқаро нуфузини юксалтиришда улкан ютуқларни қўлга киритди.

Россия — Ўзбекистон ҳамкорлиги стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Ишонч билан қайд этиш мумкинки, мамлакатларимизни нафақат умумий тарих, айни пайтда турли соҳаларда биргаликда эришилаётган ютуқлар ҳам бир-бирига яқинлаштиради. Бизнинг Сиз билан доимо самарали бўлиб келган очиқ мулоқотларимиз икки томонлама алоқаларни кенгайтиришга, амалий масалаларни тезкор ва самарали ҳал этишга улкан ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ишончим комилки, бундай яқин ҳамжиҳатлик биз учун бундан буён ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истиқбол ва йўналишларини очаверади, айни пайтда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

**Дмитрий МЕДВЕДЕВ,**
**Россия Федерацияси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингизнинг яқинлашиб келаётган миллий Мустақиллик куни билан Сизни ва бутун Ўзбекистон Республикаси халқини муборакбод этиш менга катта мамнуният бахш этади. Жорий йилнинг апрель ойида мамлакатингизга ташрифим, унинг асносида кўрсатилган иззат-икром ва халқингиз маданиятидан олган таассуротларим бир умр ёдимда қолади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Қирғизистон жанубида фожиали воқеалар содир этилган чоғда Ўзбекистоннинг бағрикенглик ва вазминлик билан тутган позицияси учун самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон раҳбариятининг Қирғизистон жанубидан келган одамларни кутиб олиш ва қабул қилишга тайёрлиги гуманитар инқироз бартараф этилишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Сизни ишонтириб айтаманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон халқи фаровонлиги ҳамда Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга тайёрдир. Сизнинг келаси ойда Нью-Йоркка бўладиган ташрифингиз чоғида Сиз билан музокара ўтказиш имкониятига эга бўламиз, деган умиддаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

**Пан Ги МУН,**
**БМТ Бош котиби.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига ўзимнинг самимий қутловларим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар барқарор ривожланмоқда. Дўстона алоқаларимиз ва ҳамкорлигимиз келгусида ҳам икки томон учун фойда келтиравершига ишончим комил.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, барча хайрли ишларингизда муваффақиятлар тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул этгайсиз.

**Ли Мён БАК,**
**Корея Республикаси Президенти.**

Тошкент вилояти:

## ИСТИҚЛОЛДАН МУНАВВАР ЗАМИН

***Дунёнинг ҳамма гўшаларида ҳам тўрт фасл ўз гўзаллигини тўлиқ намоён этавермайди. Аммо бизнинг жаннатмонанд Ўзбекистонимизда ҳар фаслнинг ўз таровати, ўз кўрки, ўз файзу баракоти бор.***

***Бугунги ҳикоямиз Истиқлол туфайли гуллаб-яшнаётган, ҳосилдор боғ-роғлари, бепоён пахтазор ва ғаллазорлари, ер усти ва ер ости бойликлари, қудратли ишлаб чиқариш корхоналари, ҳар тарафлама қулай инфратузилмаси ва коммуникациялари, энг муҳими, янгиликка ўч, ташаббускор ва тадбиркор, миришкор ва мард, ёниқ юракли, лафзи ҳалол одамлари билан қадр топган пойтахт вилояти ҳақида.***




### Офтоб Пскомдан чиқиб, Қиётга ботади

Муҳтарам Президентимиз "Тошкент вилояти — Ўзбекистоннинг марказий вилояти, у ўзининг салоҳияти билан бошқаларга ўрнак бўлишни ўз зиммасига олишга қодир вилоятдир", дея бу ўзига хос воҳани жуда ўхшатиб таърифлаганлар. Шу ўринда, Юртбошимизнинг анча-мунча адибу шоирнинг хаёлига ҳам келмайдиган яна бир гўзал таърифларини келтириб ўтишни истардик: "Бу бетакрор заминда уч фаслни — қиш, баҳор ва ёз манзараларини бир вақтда учратиш мумкин, десак, асло муболаға бўлмайди, — деган эдилар пойтахт вилояти ҳақида гапира туриб давлатимиз раҳбари. — Бекобод, Чиноз боғларида чиллаки чумак урганида, Бўстонлиқ, Паркент тоғ ёнбағирларида бодом эндигина гулга киради. Оҳангароннинг лалми ерларида ғалла ўрими бошланганида, Бўка ва Пискент туманларидаги деҳқонлар буғдойни ўриб-янчиб, омборга жойлаётган бўладилар..."

Азиз газетхон, Тошкент вилояти ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилишингиз учун яна икки оғиз сўз.

Бўстонлиқ туманининг тоғли Пском қишлоғига бориш учун туман маркази — Ғазалкентдан яна 90 километр йўл босиш керак. Пском дарёси ёқалаб кунчиқар томон юрар экансиз, тоғ манзаралари, ёнбағирларда ўсиб ётган турфа хил гул-чечаклар, муздек оромбахш ҳаво баҳридилингизни очиб юборади. Бекободнинг Қиёт қишлоғига бориш учун эса пойтахтдан 160 километр йўл босиш лозим. Бекободнинг кенгликлари хаёлингизни олиб қочади. Юртимизнинг бепоён сарҳадлари қалбингизда ғурур ва ифтихор ҳисларини уйғотади.

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида, ёзнинг авж палласида биз ўзимизча "чекка қишлоқ" деб айтадиган Пском ва Қиётга республиканинг таниқли санъаткорлари, адиб ва ёзувчилари билан байрамолди тадбирларини ўтказишга борамиз. Ҳамроҳларимиз Псқомда кун салқинлигидан офтобли жой излашса, Қиётда эса қуёш тиғидан соя қидириб қолишади.

Баъзан тадбир давомида маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашиб, беихтиёр "чекка қишлоқ" деган иборани ишлатиб юборганимиздан хижолат бўлиб қоламиз.

— Пском чекка қишлоқ эмас, у Ўзбекистоннинг биринчи қишлоғи, — дейишади тоғликлар ғурур ва ифтихор билан. — Ҳар куни қуёш бизнинг тоғлар ортидан кўтарилиб, мамлакатга нур сочади.

Сирдарё соҳилидаги қиётликлар эса ўз ҳудудларини вилоятнинг биринчи қишлоғи, деб таърифлашади. Хуллас, мамлакатнинг биринчи қишлоғидан вилоятнинг биринчи қишлоғига бориш учун оз эмас, кўп эмас, 350 чақиримдан ортиқ йўл юриш керак бўлади...

Ана шундай бағрикенг, ўзига хос, бетакрор воҳа бу.





### Мустақиллик шарофатидан бу

Тошкент вилоятида катта шаҳарлар, гигант корхоналар кўп. Бекобод, Чирчиқ, Ангрен, Оҳангарон, Олмалиқ... Бу саноатлашган шаҳарларнинг нафақат вилоятда, балки мамлакатимиз миқёсида ҳам ўз ўрни, ўзига яраша салмоғи, салоҳияти бор.

Олмалиқдаги олтита йирик саноат корхонаси, 17 та қўшма корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажмини, бундан кўрилаётган даромаду буромадни ҳисоб-китоб қилишга анча-мунча замонавий ҳисоблаш машиналари ҳам "шошиб" қолади. Агар бунга шаҳардаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи 47 та корхонани ва 69 та кичик бизнес вакиллари кўрсаткичларини ҳам қўшсак-чи? Лол қолгулик, оламжаҳон рақамлар пайдо бўлади: шаҳарда жорий йилнинг 7 ойи мобайнида 749,2 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 107 фоиз ўсишга эришилди. Янаям аниқроқ айтганда, ўтган йилдагидан 46 миллиард сўмлик кўп маҳсулот тайёрланди. Шунингдек, 14,9 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, бу соҳада ҳам анчайин илгарилаб кетилди. Шаҳарда жорий йил биринчи ярмида 50,2 миллиард сўмлик инвестиция киритилиб, ўсиш суръати 322,1 фоизга етди. 2010 йилги ҳудудий инвестиция дастурига киритилган 3 та корхона томонидан 2 миллион 223 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилишига эришилди. Шаҳарда жойлашган корхона ва ташкилотлар томонидан 8,8 миллиард сўмлик қурилиш-пудрат ишлари амалга оширилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 143,3 фоиз ўсишга эришилди. Экспорт ҳажми 355 миллион 306 минг АҚШ долларини ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилади.

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги ахборот тингланди.

Қўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ва бошқа масалалар бўйича қарорлар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Ялпи мажлисда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, жумладан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасини, суд-ҳуқуқ ислоҳотини такомиллаштиришга, ҳуқуқ-тартиботни ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашга, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган йигирмага яқин қонунни кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар бу борада «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида қабул қилинган, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш масалаларини тартибга солишга ҳамда болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг, ота-оналарнинг, васийлик ва ҳомийлик органларининг ёш авлод учун масъулиятини оширишга қаратилган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳимлигини таъкидладилар.

Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини, гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда кредиторларнинг манфаатлари муҳофаза қилинишини назарда тутадиган ҳуқуқий нормаларни, пенсия таъминоти ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа қонунлар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат санитария назорати ва давлат статистикаси органлари раҳбарларини тайинлашни тартибга солиш, солиқ органлари тизимини модернизация қилиш, солиқ маъмурчилигининг замонавий усуллари ва механизмларини жорий этиш, монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизими ва рақобат муҳитини ривожлантириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган нотариат институти фаолиятини такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ бир қатор қонунларни муҳокама қилиш белгиланди.

Сенаторлар жиноят ишлари юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ваколатли органлари ўртасида халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликнинг амалдаги тизимида терговсуд амалиётини шакллантиришнинг, инсофсиз ва яширин рекламани амалга ошириш ҳолларига чек қўйишнинг, реклама материалларини тарқатишда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилинишини таъминлашнинг, шунингдек, рекламани жойлаштириш тартибини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришнинг, пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш, пиротехника воситаларининг қонунга хилоф равишдаги муомаласи ва улардан фойдаланиш соҳасида самарали давлат назоратини ўрнатишнинг ҳуқуқий базасини яратувчи қонунларни ҳам кўриб чиқадилар.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**



**28 август — "Эл-юрт ҳурмати" ордени ва "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони таъсис этилган кун.**



## ЮКСАК ҒУРУР ВА ЭЪЗОЗ ТИМСОЛЛАРИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида озод ва обод Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида беқиёс эзгу ишлар амалга оширилаётир.

Айни пайтда барчамиз энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллик айёмини катта ҳаяжон билан кутиб олаяпмиз. Ана шундай қутлуғ дамда яна бир муҳим санани нишонлаймизки, у ҳар бир юртдошимиз қалбида ўзгача фахр-ифтихор туйғуларини янада жўш урдиради. Бундан роппа-роса ўн икки йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Эл-юрт ҳурмати" ордени ва "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони Ватанимизнинг ана шундай юксак мукофотларидандир.

"Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мамлакатимиз мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат ишлари, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган мамлакатимиз фуқаролари тақдирланади. Шунингдек, орден Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин.

Ўтган йиллар давомида ўнлаб юртдошларимиз ана шу юксак мукофотга сазовор бўлдилар. Улар сафи турли соҳаларда меҳнат қилаётган турли миллатга мансуб ватандошларимиз ҳисобига йилдан-йилга кенгайиб бораётгани мамлакатимизда инсон меҳнатини муносиб баҳолашга, қадр-қимматини юксалтиришга қаратилаётган улкан эътиборнинг амалий ифодасидир.

Истиқлол йилларида юртимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ҚИШЛОҚЛАРДА ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

***Жорий йилнинг биринчи ярмида республикамиз қишлоқ жойларида***

**3113,7** **минг квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Қишлоқда уй-жой ва инфратузилмани жадал ривожлантириш ва қуриш дастурининг ижроси доирасида амалга оширилган ишлар натижасида соҳада ана шундай ютуққа эришилди.



# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали мамлакатингизнинг биродар халқига ўзимнинг самимий қутлов ва тилакларимни изҳор этишдан мамнунман.

Аминманки, мамлакатларимиз ўртасида қарор топган юксак даражадаги икки томонлама муносабатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун пухта замин бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ажойиб фурсатдан фойдаланиб, Сизга чин дилдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик, хуш кайфият, куч-ғайрат, Ўзбекистоннинг биродар халқига эса тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мамлакатингизнинг миллий байрами — Мустақиллик куни билан Беларусь халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни ва Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этаман.

Аминманки, Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси икки томонлама алоқаларнинг мавжуд улкан салоҳиятини тўла ишга солишга, халқларимиз фаровонлиги йўлида бир-биримизни қўллаб-қувватлаган ва ҳурмат қилган, мамлакатларимизнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, дўстона муносабатларимизни ривожлантиришга бутун куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, чин дилдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва давлатни бошқаришдек масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларусь Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловлар ва энг эзгу тилакларимни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, келгусида Индонезия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ва икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланиб бораверади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. Ишончим комилки, мамлакатларимиз бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида кўп томонлама асосда ҳамкорликни давом эттираверади.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**Доктор Х. Сусило Бамбанг ЮДХОЙОНО,**
**Индонезия Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва барча ҳамюртларингизга эзгу тилакларим билдирилган қутловларимни йўллашдан ғоят бахтиёрман. Парвардигорга илтижо қилиб, ўз саъй-ҳаракатларини иқтисодий, ижтимоий ва маънавий неъматлардан барча бирдек фойдалана оладиган янада аҳил жамият барпо этишга, энг муҳим умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга йўналтирган ҳеч бир бандасидан ўз иноятини дариғ тутмасликни сўраб қоламан. Яратгандан Сиз, Жаноби Олийларига ва бутун мамлакатингиз халқига рўшнолик ва баракот нозил қилишини сўрайман.

**БЕНЕДИКТ XVI,**
**Рим Папаси.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Босния ва Герцеговина ҳукумати номидан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ишонч билдираманки, Ўзбекистон Республикаси билан Босния ва Герцеговина ўртасидаги дўстона муносабатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам ривожланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

**Доктор Харис СИЛАЙЖИЧ,**
**Босния ва Герцеговина Президиуми Раиси.**

# ЮКСАК ҒУРУР ВА ЭЪЗОЗ ТИМСОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борада ташкил этилиб келинаётган турли спорт мусобақалари, фестиваллар ўғил-қизлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи, уларни ягона мақсад сари бирлаштирувчи беқиёс куч сифатида йилдан-йилга шаклланиб бормокда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ёшларимиз маънавий етук, зукко ва билимдон, спорт майдонларида чиниққан, мард фарзандлар бўлиб камолга етишлари керак. Зотан, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, бу борада олдимизга қўйилган буюк мақсадларга эришишда мамлакатимизда ёш авлодга яратилаётган имкониятлар катта аҳамият касб этади.

Кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва эътибор самараси ўлароқ, ёшларимиз халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида улкан ғалабаларга эришиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Шундай спортчи ёшларимиз жасоратини муносиб тақдирлаш, уларни янги ғалаба ва марралар сари даъват этиш мақсадида "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони муҳим аҳамият касб этиб келаётир.

"Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони жаҳон чемпионатларида, Олимпиада ўйинларида ва уларга тенг жаҳон спорт анжуманларида ғолиблик-чемпионлик унвонига эришган ҳамда ўз ютуқлари билан Ватан обрўсини, шони ва шуҳратини улуғлашга кўмаклашган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

Хабарингиз бор, шу йилнинг июнь-июль ойларида футбол мухлислари диққат-эътибори Жанубий Африка Республикаси майдонларида ўтказилган XIX жаҳон чемпионати ўйинларига қаратилди. Мазкур спорт байрамига, маълумки, ҳамюртимиз Равшан Эрматов ҳакамлик қилиш учун таклиф этилди ва бу ишончни оқлаб, мусобақа кашфиётига айланди. Давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан, Равшан Эрматов "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланди. Бундай эътироф, шубҳасиз, ҳар бир юртдошимизни руҳлантирди.

**Ҳ**озирга қадар юзлаб юртдошларимиз давлатимизнинг ана шу юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Бу улкан эътибор, ўз навбатида, Ватан олдидаги катта хизматлар эътирофи бўлиши баробарида, кишига эл-юртимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлиги йўлида ёниб яшаш масъулиятини юклайди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Маҳаллий маҳсулотлар ярмаркаси

***Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида халқ истеъмоли моллари ярмаркаси бўлиб ўтди.***

Истеъмол бозорини экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдиришда фаол қатнашаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда 150 дан зиёд кичик ва йирик корхоналар, 2000 дан ортиқ улгуржи ва чакана савдо корхоналари ҳамда молия муассасалари қатнашди. Унда фаол иштирок этган "Янтекс", "Стайлтекстиль", "Технолог Гр" МЖЧлар, "Мехмаш" ОАЖ, "Улуғбек Собиров", "Лидер комплект мебель" хусусий корхоналари ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар маҳсулот етказиб бериш бўйича жами 20 миллиард сўмликдан зиёд шартномаларни имзоладилар.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкент вилояти:

# ИСТИҚЛОЛДАН МУНАВВАР ЗАМИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда савол туғилади?

Бу пурвиқор рақамлар, эришилган ютуқ ва муваффақиятлар Олмалиқ аҳли манфаатига қанчалик дахлдору одамларга қандай наф келтираяпти? Бу саволга бемалол "фаровонлик, қулайлик, тўкинлик", деб жавоб бериш мумкин.

Шаҳарда мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва фаолиятини кенгайтириш, кичик корхона ҳамда микрофирмалар ташкил қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тўхтаб қолган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига жорий йилнинг 7 ойи мобайнида 2801 та янги иш ўрни яратилди. Бу шунча одам ўз иш жойига, доимий даромад манбаига эга бўлди, деганидир. Оиласига, рўзғорига қут-барака кирди. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

Шаҳардаги гигант корхоналардан бири — Тоғ металлургия корхонасининг ҳомийлигида шаҳар аҳли — кексалар, оналар, болалар сиҳат-саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу, савобли ишлар алоҳида эътирофга лойиқ.

Шаҳарда марказий шифохона биноси таъмирталаб бўлиб, тиббий асбоб-ускуналар ҳам анчайин эскирган эди. Буни кўрган кончилар олинган фойданинг бир қисмини шифохонани таъмирлаш ва жиҳозлашга ажратишга қарор қилишди. Шифохонанинг кўп қаватли биносини тўлиқ реконструкциялаш, қайта жиҳозлаш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қурувчи-пудратчи ташкилот ҳам топила қолди. Шу тариқа ишлар бошланиб кетди...

Олмалиқда бўлганимизда, реконструкциядан чиққан шифохонани бориб кўрдик. Йўқ. Бу бинони таъмирланган, деб бўлмайди. Уч қаватли бино янгитдан қурилгандек ярқираб турибди. Ҳовли саҳнида гулзор, хиёбонлар, ям-яшил майдонлар. Ичкарида эса ҳар бир хона пойтахтдаги энг замонавий шифохоналардан қолишмайдиган даражада жиҳозланган. Бир-икки кишилик палаталар, муолажа хоналари, жарроҳлик заллари, қабулхоналар... Ораста ва кўркам муолажа хоналарига Германия, Италия, Япониядан келтирилган энг сўнгги русумдаги медицина асбоб-ускуналари, ноёб аппаратуралар ўрнатилган.

— Шифохонани шу ҳолатга келтиришга 7 миллиард 100 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Сирожиддин Шоматов. — Бу ишларнинг ҳаммаси кончилар ҳомийлигида амалга оширилди.

Бугун пойтахт вилоятининг қай бир ҳудудига борманг, гуруллаб ишлаб турган катта-кичик саноат корхоналари, қайта ишлаш цехлари, ўзларига ярашиқли ишчи коржомаси кийган йигит-қизларга кўзингиз тушади. Нафақат Чирчиқ ёки Олмалиқ, Ангрен ёхуд Бекободда, балки вилоятнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам саноат корхоналари, қўшма корхоналар фаолият кўрсатаяпти.

Янгийўл туманида йилига 9,7 миллион дона калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга "Биллур текс" МЧЖ, Зангиота туманида йиллик қуввати 3 миллион дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Элнур Энд Руслан", Пискент туманида йилига 10 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга "Стандарт дизайн" МЧЖ, Чиноз туманида йилига 25 минг тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга "Роял Могамилс" қўшма корхонаси, Бўка туманида 500 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Ҳофиз Абдурасул" хусусий корхонаси... Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Вилоятда шу йилнинг етти ойи ичида 81 янги ишлаб чиқариш корхонаси ўз фаолиятини бошлади. 30 та корхонада молиявий соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Бу ишларга 85,3 миллион доллар сарфланиб, 39,4 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. 3123 та янги иш ўрни яратилди.

Бунёдкорлик ишлари давом этаяпти. Вилоятда жорий йилнинг қолган 5 ойи давомида яна 70 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхонаси ва қувватлари ишга туширилиши, шу йўл билан яна 1100 та янги, доимий иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган.

Зангиота туманидаги "Элнур Энд Руслан" қўшма корхонасида бўлдик. Корхонада маҳаллий хом ашёдан болалар кийим-кечаклари тайёрланади. Ҳозир бу ерда 350 дан ортиқ ёшлар меҳнат қилмокда. Улар шу тумандаги агросаноат коллежининг кечаги ўқувчилари. Бири-биридан гўзал, бири-биридан бежирим, турфа ранг ва кўринишдаги болалар кийим-кечакларини кўриб, "Наҳот, буни шу ўзимизнинг қизларимиз тиккан", деб ўйлайсиз. Чевар қизларнинг малака, маҳоратига, дидига қойил қоласиз.

— Янгийўлнинг Кингкичик қишлоғиданмиз, — дея ўзларини таништиради Фотима ва Зуҳра Шароповалар. — Зангиота коллежини битириб, "Қаерга борамиз?" деб турганимизда, корхона раҳбарларининг ўзлари коллежимизга ташриф буюриб, ишга таклиф этишди. Қисқа фурсат ичида бу ердаги "Уста — шогирд" мактабида катта усталардан тикувчиликнинг нозик томонларини ўрганиб олдик. Бу ерда биз, ёшлар учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Тушликда бепул иссиқ овқат берилади. Ойлик маошларимизни вақтида олаяпмиз.

Шуниси эътиборлики, кийим-кечаклар модели шу ернинг ўзида яратилади. Модель цехида ёш, изланувчан мутахассис Дилфуза Назарова билан танишдик.

— Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежини тамомлаб келганман, — дейди Дилфуза.

Ундан "Ўзингиз яратган кийим-кечаклар ҳам борми?" деб сўрадик. Дилфуза бир талай бири-биридан чиройли болалар кийим-кечакларини олдимизга ёйиб ташлади. Хорижникидан ўтса ўтадики, асло қолишмайдиган кийим-кечаклар. Болалар диққатини тортадиган, кўзларни қувонтирадиган ранглар, безаклар, суратлар... қойил қолгулик.

Улуғ Истиқлол ўтган 19 йил ичида юзлаб, минглаб давр қаҳрамонларини, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган фидойи инсонларни кашф этди, уларни элга танитди. Улар ўз меҳнатлари, интилишлари, изланишлари билан Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, юрт фаровонлигига хизмат қилмоқдалар. Ана шундай замондошларимиздан бири Бахтиёр Юнусов билан Юқори Чирчиқ туманидаги бийдек даланинг қоқ ўртасида жойлашган янги ампула ишлаб чиқариш тиббиёт корхонасида учрашдик.

Юнусовлар оиласини Тошкентда доришунослар оиласи сифатида яхши билишади. Бахтиёр аканинг аёли Холида Юнусова фармацевтика фанлари доктори, профессор. Қизи Наргиза ҳам шу соҳада ишлаб, илмий иш қилаётган иқтидорли мутахассислардан. Ўғли Нодир бўлса АҚШдаги нуфузли университетларнинг бирини тамомламоқда.

Бу оила ташкил этган "Само" кичик корхонаси бугунгача антигрипин, диазолин, поназол, "S-yodid-100" (йод етишмовчилигига қарши), дибазол, кальций глюконат каби юқори сифатли дори-дармонларни ишлаб чиқариб, республика фармацевтикасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган эди.

— Муҳтарам Президентимизнинг фармацевтика корхоналарини модернизация қилишга доир қарори янги, катта лойиҳага қўл уришимизга туртки бўлди, — дейди Бахтиёр ака. — Вилоят раҳбарияти ёрдамида шу ташландиқ бино базасида ампула ишлаб чиқарадиган тиббиёт корхонасини очдик. Бу борада бизга "Ўзсаноатқурилишбанк" кредити қўл келди. Корхонани шу даражага етказиш учун 2 миллиард 570 миллион сўм маблағ сарфладик. Хориждан 900 минг АҚШ долларилик янги, замонавий технологияни олиб келиб ўрнатдик.

Бугунги кунда республикамизда 6 та йирик фармацевтика корхонаси ишлаб турган бўлса, бизнинг янги корхонамиз ўз қуввати, ўта замонавий технологияси билан ноёб саналади. Бир соатда 20 минг дона шиша ампулаларга жойлаштирилган, халқимиз саломатлиги учун зарур дори-дармонлар ишлаб чиқариш имкониятига эгамиз.

Ишга тушиш арафасида турган корхонани айланиб кўрдик. У антиқа ускуналар, ўта замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Иш жараёнларини кўриб, завқингиз ошади.

Шунақа. Юқори Чирчиқнинг бир чекка қишлоғида, тағин даланинг қоқ ўртасида манаман деган хорижий давлатлар корхоналари билан бемалол беллаша оладиган ноёб иншоот бугун-эрта ўз фаолиятини бошлайди. Халқимиз сиҳат-саломатлигига ҳисса қўшади. Мана буни Улуғ Истиқлол шарофати ва беқиёс имконлари, дейдилар.



Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.

Шу ўринда ҳаяжонимизга муносиб баъзи бир рақамларни эслаб ўтайлик.

Вилоятда жорий йилнинг 7 ойи давомида ўзлаштирилган инвестициялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида жами 49827 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Ишга туширилган янги корхоналар ва қувватлар ҳисобига етти ойда саноат ишлаб чиқариш суръати 428,1 миллиард сўмга кўпайиб, 8,6 фоиз ўсишга эришилди.

Вилоятда 5 та асосий ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш дастурлари ҳисобига инвестициялар ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Булар: 2010 — 2012 йилларда саноат салоҳиятини ривожлантириш, 2010 йилги ҳудудий инвестиция, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат ишлаб чиқариш, енгил саноат, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш дастурларидир. Ушбу дастурларни амалга ошириш билан йил охиригача яна 36 мингта янги иш ўрни яратилади...

## Холдор аканинг жайдари фалсафаси

Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорасув қўрғонида, этаги уфқларга туташ пахтазор бошида вилоятнинг олди деҳқонларидан бири Холдор ака Неъматуллаев билан учрашдик. Олтмиш ёшлар чамасидаги, суяги деҳқончиликда қотган бу одам ҳақида туман ҳокимлигида бўлганимизда илиқ гаплар эшитгандик. "Пахта етиштиришнинг професcори", дейишганди у ҳақда. Шунинг учун ҳам ҳосилдан, ҳосилдорликдан гап очдик.

— Ер ҳам, ғўза ҳам тирик жон, — дейди Холдор ака. — Фақат тили, забони йўқ, холос. Қанчалик ернинг қадрига етиб, эъзозласангиз, шунчалик сиздан неъматларини аямайди. Ғўза ҳам шундай. Қўлингизга, кўзингизга қараган нарса. Меҳрингиздан, меҳнатингиздан баҳра олади. Вақтида сувини, озиғини бериб парваришласангиз, шунчалик "ийийди", ҳосилга ётади. Тепасида томчилаган терингизни тиллога айлантириб, ўзингизга қайтаради. Барака топасиз.

Холдор ака ғўзасини оралайди. Ўз тили билан айтганда, ғўза бағрини китоб варақлагандек варақлайди.

— Бугун бу жуда зарур, — дейди у, сўнг бир туп ғўзанинг учидан оҳиста тутиб, гўдакни авайлаб қўлга олгандек бир томонига ёнбошлатади. — Мана, қаранг, бир, икки, уч, тўрт, беш... ҳаммаси бўлиб саккизта чаноқ чамандек очилган. Яна шунча кўсак бор. Ғўзани варақласангиз, ғўза жонивор қўлингиздан баҳра олади. Бағрига шамол киради. Кўсаклар тезроқ етилади, қорасон деган нарса қочади...

Холдор аканинг айтишича, Мустақиллик деҳқонга, ер эгасига катта имкон берди. Меҳнат қилиб чарчамайдиган кунлар келди. Бугун юракдан чиқариб ишлаган одамнинг қўли узун, ошиғи олчи. Қадр-қиммати баланд.

— Бугунги кунда меҳнат қилган кам бўлмайди, — дейди содда қилиб Холдор ака. — 116 гектардан зиёдроқ еримизнинг 56 гектарига ғалла, 59 гектарига пахта экканмиз. Давлатга 174 тонна ғалла сотдик, яна жамоамизга накд 30 тонна буғдой қолди. Пахтамиз ривожини кўриб турибсиз, чакки эмас. Қирқ центнерлик ҳосилни кўзлаганмиз. Меҳнатимиз ҳам шунга яраша.

Холдор ака катта, файзли, баракали оила соҳиби. Қаторида олти ўғли, олти қаноти бор. Биттаси санъатга мойилроқ чиққанини ҳисобга олмаганда, қолган ҳаммаси деҳқончилик ҳадисини олган, миришкор йигитлар. Иш деганнинг жонини киритади. Танламайди. Керак бўлса, трактор минади. Зарур бўлса, сув қўяди... Меҳнаткашлик, ерга меҳр уларга отамерос. Холдор акадан юққан.

Тошкент вилоятида Холдор ака каби ер илмини пухта эгаллаган, деҳқончилик ҳадисини олган фермерлар кўпчиликни ташкил этади. Бугун пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавотчилик соҳасида 7449 нафар фермер фаолият кўрсатаётир.

Қишлоқ хўжалик соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, фермер хўжаликларида мулкка эгалик ҳиссининг йил сайин ижобий томонга ўзгараётганлиги, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топаётганлиги, пировард натижада вилоятда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига замин бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 735,1 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилдагига нисбатан 7,1 фоиз ўсишга эришилди. Бугун республика бўйича ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 12,1 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда. Юртбошимиз айтганидек, вилоят нафақат саноатда, балки фаровонлигимиз, тўкин-сочинлигимиз манбаи саналмиш қишлоқ хўжалигида ҳам бошқаларга ўрнак бўлаётир.

Жорий йилда вилоят деҳқонлари давлатга 305,7 минг тонна ғалла топшириб, режани 104 фоиз бажаришга эришди. Бу борада Қуйи Чирчиқ, Бўка, Чиноз туманлари деҳқонлари, айниқса, юқори натижаларни қўлга киритдилар. Бўка туманидаги "Азиз Муҳаммад" фермер хўжалигида ҳосилдорлик гектар ҳисобига 71 центнерданни ташкил этган бўлса, Чиноз туманидаги "Ҳикматилла Йўлдошев" фермер хўжалигида бу кўрсаткич 68 центнерни ташкил қилди.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярим йилида 12 та гўштни ва 11 та сутни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилиб, уларда 147 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, ярим йил ичида 17 та янги баликчилик, 32 та паррандачилик, 34 та асаларичилик хўжалиги, 46,8 гектар майдонда эса замонавий иссиқхоналар ташкил этилди...

Вилоятни айланиб юриб, Ўрта Чирчиқ ва Қибрай туманларида янги, замонавий паррандачилик, жўжа етиштирадиган комплексларни кўрдик. Бу ердаги ноёб технологиялар, автоматлаштирилган, компьютер билан бошқариладиган иш жараёнлари қалбимизда фахр, ифтихор ҳисларини уйғотди. Тошкентликларга, миришкор, уддабурон одамларга, қадамидан ўт чақнаган замондошларимизга ҳавасимиз келди. Уларга балли, ҳорманг, толманг, дедик. Омад тиладик.




## Қатрада қуёш ёки денгиздан томчи

Тошкент вилояти Тошкент шаҳрининг шундоқ ёнгинасида, атрофида жойлашган. Пойтахтдан Қибрай тумани томонга ёки Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ томонларига, Зангиота туманига юрсангиз, поёнсиз пахтазору ғаллазорларга, адоқсиз боғ-роғларга, уфқларга туташ сабзавот пайкалларига, офтоб тиғида ялтираётган сон-саноқсиз иссиқхона хўжаликларига, дастурхонимиз тўкинлиги, файзу баракаси йўлида тиним билмай ишлаётган, тупроқдан ризқ-рўз ундираётган миришкор одамларга кўзингиз тушади. Таъбир жоиз бўлса, Тошкент вилояти республикамиз пойтахтини жигарбанд инисидек белларидан қучиб турибди.

"Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди", деб бежиз айтишмайди. Тошкент вилояти юртимизнинг имкониятлари беқиёс, мамлакатда ўз ўрни, залворига эга бўлган вилоятларидандир.

Юқоридаги битикларимиз вилоятда қилинаётган кўламли ишларнинг бир томчиси, десак ўринли бўлар. Тошкент вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини, бу ерда истиқлол йилларида рўй берган ўсиш-ўзгаришларни, шижоатли одамларнинг қадам олишларини ёритишга, албатта, биргина мақола камлик қилади. Назаримизда, шу айтганларимизнинг ўзидан ҳам тошкентликларнинг бўйи, кўрки-савлати кўриниб тургандек. Ахир "Қатрада қуёш акс этади", дейдилар.

Ушбу сатрлар қоғозга тушаётганда, дунё узра янграган ажойиб хушхабар дилларимизни тўлқинлантириб юборди. Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида яшайдиган Вадим Меньков Польшанинг Познань шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтган жаҳон чемпионатида қатнашиб, 71 давлатдан борган энг кучли спортчилар орасида ғолибликни қўлга киритди. Ва иккинчи бор жаҳон чемпиони бўлди. Ҳамюртимиз шарафига Ватанимиз байроғи дунё узра баланд кўтарилиб, Давлатимиз мадҳияси янгради. Бу мужда қалбларимизга чексиз ғурур, фахр-ифтихор бағишлади.

Пойтахт вилояти давлатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги байрамига ана шундай қувончли хабар ва янгиликлар билан пешвоз чиқмоқда. Тўёна дейишга арзигулик муждалар вилоятдаги ҳар бир маҳалла, қишлоқ, хонадонлардаги замондошларимизнинг қалб тўридан жой олмоқда.

*Сени ардоқлайман, қиламан тавоф,*
*Кўзим гавҳарида юз очган чаман.*
*Сени асрай билмоқ энг олий савоб,*
*Эй бобомеросим — жонажон Ватан!*

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

UZBEKNEFTEGAZ

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ»

МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг 19 йиллиги

билан табриклайди!

*Хонадонларимиздан тинчлик-тотувлик аримасин, фаровонлик ва файзу барака она-заминимизда доимо яшнаб гуркурайверсин, ҳар бир янги кун ҳамиша бахт ва қувончларга лиммо-лим тўлиб келсин!*




RBS
The Royal Bank of Scotland

RBS NB Uzbekistan CJSC

Ўзбекистон халқини улуғ байрам —

Мустақиллик куни

билан чин қалбдан муборакбод этади!

Барчангизга оилавий бахт-саодат, фаровонлик ва мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайди!

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурини бажариш доирасида Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан **оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ) мустақиллигини мустаҳкамлашга** қаратилган, қуйидаги мавзудаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини кенг ёритиш, ОАВнинг кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий фикрни умумлаштириш ва ифода этиш борасидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш.

**Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант микдори — 10 млн. сўм.**

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

*Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:*

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза билан ихтиёрий шаклда тузилган кузатувчи хат;
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида келтирилган шаклда грант лойиҳасининг аризаси;
3. Ташкилотнинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳамма ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

Танлов бўйича юқорида келтирилган ҳужжатлар, шу жумладан, CD дискда электрон кўринишдаги нусхаси билан конвертда (А4 формат): "100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй" манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан эътиборан, ҳар куни, шанба ва якшанба кунларидан ташқари, соат 9-00 дан 17-00 гача 2010 йил 30 сентябрга қадар қабул қилинади.

Танловнинг республика ҳудудларидан иштирок этувчилари ҳужжатларни сканер қилинган раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри билан grant-11-ngo@inbox.ru электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг қуйидаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76, 239-84-42).

Танлов натижалари Фонднинг расмий сайтида эълон қилинади.

***Мамлакатимиз ҳукумати топшириғига биноан 26 август куни Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда наркобизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган наркотик моддаларнинг навбатдаги туркумини йўқ қилишга бағишланган тадбир ўтказилди.***

# НАРКОТИК МОДДАЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Тадбир

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги корхоналардан бирида Идораларaро комиссия аъзолари иштирокида ташкил этилган ушбу тадбирда 710,7 килограмм наркотик воситалари, шу жумладан, 497 килограмм героин, 49,2 килограмм опий, 162 килограмм наша, 2,5 килограмм кўкнори ёқиб юборилди.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга катта эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг Наркотик моддалар тўғрисидаги, Психотроп моддалар тўғрисидаги ҳамда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Республикамизда қўлланиладиган амалиётга кўра, жиноий ишларда ашёвий далил сифатида кўрсатилган наркотик моддалар суд ҳукми кучга киргач, Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан махсус ажратилган домна печларида ёқиб юборилади. "Заҳри қотил"ни йўқ қилиш тадбирида БМТ, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишади. Ўзбекистонда 1994 йилдан буён 46 тонна 836 килограмм наркотик моддалар йўқ қилинган.

Афғонистонда наркотик моддалар етиштириш ҳажмининг ошиши республикамиз ва Марказий Осиё минтақасида бу борадаги вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Халқаро экспертлар маълумотига кўра, 2009 йилда Афғонистонда 6900 тонна опиум ишлаб чиқарилган. Аввал тайёрланган опиум захираси эса 10 минг тоннани ташкил қилади.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмиллий наркогуруҳларнинг қонунга зид фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйиш, контрабанда каналларини ёпиш, гиёҳвандлик экинларини йўқ қилиш ва гиёҳвандлик ёйилишининг олдини олиш бўйича махсус комплекс операциялар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига қараганда, 2009 йилнинг биринчи ярмида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ 4712 та жиноий ҳолат аниқланган бўлса, жорий йилнинг ушбу даврида бу кўрсаткич 4584 тани ташкил этди. 2010 йилнинг дастлабки олти ойи давомида мамлакатимиз бўйича 2457 килограмм наркотик модда (2009 йилнинг шу даврида 1820 килограмм), шу жумладан, 668,3 килограмм героин, 332 килограмм опий, 357,2 килограмм марихуана, 224 килограмм наша ва 875,6 килограмм кўкнори мусодара қилинди.

Республикамизда 2007 — 2010 йилларга мўлжалланган Наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида кенг кўламли профилактика ишлари олиб борилмоқда. Бу борада тиббий-ижтимоий реабилитация бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган. Ташкил этилган "Ишонч телефон"лари орқали мунтазам маслаҳатлар бериб борилмоқда. Наркология хизмати мутахассислари эса гиёҳвандлик ва наркотиклар билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Халқаро ҳамкорлик ҳам самарали давом этаяпти. Имзоланган шартномалар доирасидаги келишувларга мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Покистон, Италия, Туркия, Германия, Франция, Болгария, Эроннинг мувофиқлаштирувчи тузилмалари, шунингдек, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан наркотикларга оид вазият тўғрисидаги ахборот материалларни алмашиш таъминланмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси мамлакатимиз томонидан наркотик моддалар ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг амалий ифодасидир.

**Ш. ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт

# Бош соврин ўзбекистонлик шахматчида

***Юртимизда Истиқлол байрами шукуҳи кезиб юрган айни кунларда спортчиларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳам салмоқли бўлмоқда.***

Жумладан, куни кеча Филиппин пойтахти Манилада ниҳоясига етган "Prospero Pichay Cup" халқаро турнирида гроссмейстеримиз Антон Филиппов биринчи ўринни эгаллади. Антон дастлабки баҳсда эронлик шахматчи аёл Атоуса Пуркашиёндан устун келди. Шунингдек, филиппинлик шахматчилар — Оливера Демакилинг, Ясон Гонсалес, Жон Паул Гомес, Давид Элорта ҳам ўзбекистонлик гроссмейстернинг ғалабасини тан олди. Қозоғистонлик Муртас Кожгалеев, грузиялик Тамаз Гелашвили, Мераб Гагунашвили ҳамда эронлик Эҳсон Магамига қарши ўйинларда кучлар тенг келди. Якунда 7 очко жамғарган ҳамюртимиз бош соврин — 6 минг АҚШ доллари билан тақдирланди.

Қозоғистонлик Муртас Кожгалеев ва грузиялик Тамаз Гелашвили 6,5 тадан очко тўплаб, кейинги ўринлардан жой олишди.

# Навбат — ярим финалга



***Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин АҚШнинг Нью-Хейвен шаҳрида давом этаётган "Pilot Pen Tennis — 2010" халқаро турнирида пешқадамликка даъвогарлик қилмоқда.***

Юртдошимиз мукофот жамғармаси 750 минг АҚШ долларига тенг бўлган мусобақанинг навбатдаги босқичида россиялик Теймураз Габашвилини 6/1, 3/6, 7/6 (10/8) ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўлланма олди.

Энди Денис финалга чиқиш учун Виктор Троицки (Сербия) — Радек Степанек (Чехия) жуфтлиги ғолибига қарши кортга чиқади.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

***"Муаззамхон, ўғил фарзанд кўрсак, исмини Нажот, қиз фарзанд кўрсак Умида қўйинг" (Қатағон қурбони Баҳром Ҳайдарийнинг рафиқасига Свердловскдаги лагердан жўнатган хатидан).***

# БАРҲАЁТ УМИДЛАР ХИЁБОНИ...

**31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни**

— Мен 72 га кирдим. Отам кўрмаган кунларни кўришга муяссар бўлдим. Ҳар куни "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи томонга қараб тиз чўкиб, отам руҳига фотиҳа қиламан. Хаёлан суҳбат қураман. Суяклари олис, совуқ ўлкаларда қолиб кетди. Топиб, ота-боболаримиз мозорига кўмолмадим. Лекин у кишининг руҳлари шу ерда, шу атрофда, буни биламан. Чунки мен отамдан қолган ёлғиз ёдгор — Нажотман.

Суҳбатдошимизнинг овози бўғилди. Кўзидан томчи-томчи ёш сизиб чиқди.

Баҳром Ҳайдарий шайхонтоҳурлик оддий бир ўқитувчи эди. Истеъдодли, зукко, зеҳни ўткир. 25 ёшида рус, қозоқ, турк, форс тилларида мукаммал сўзлашар, шу тилдаги бадиий асарларни таржима қиларди. Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номидаги мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берарди. Алишер Навоийни яхши кўрарди, тарихимизнинг буюк арбобларию алломалари ҳаёти фаолиятидан ўз ўқувчиларини воқиф этар, шу орқали уларни Ватанни севишга ундарди.

У жуда самимий, каттаю кичикка бир оғиз қаттиқ гапирмаган, камтар инсон эди. Илмга чанқоқлиги туфайли Шарқшунослик институтини муваффақиятли тамомлайди. Зиёлилар орасида обрў-эътибор қозонади. Аммо... 1937 йил қатағонлари уни ўз комига тортади. Бегуноҳ ўқитувчи жосусликда айбланиб, 10 йилга сургун қилинади, сургун муддати тугагач, 1948 йилда яна... У иккинчи бор сургунлик даврида оғир касалга чалиниб, ҳаётдан кўз юмади.

— Отам қатағон қилинганида, икки ёшда эдим, — қўллари титраб ҳикоя қилади Элла Аллақулова. — Отам Жуманиёз Оллоқулов асли тўрткўллик. 1898 йилда туғилган. 16 ёшида ота-онасидан етим қолган. Онамнинг айтишича, дадам туғма қобилиятга эга, хотираси ниҳоятда кучли, нимани ўқиса, дарров илғаб олар экан. Хивада яшаб юрганида, у кишини тақдир тақозоси билан Москвага жўнатишади. Ўқийди, дўстлар орттиради. Кейинчалик ватанига қайтиб, Самарқанддаги банклардан бирида ишлайди. Орадан кўп ўтмай, Тошкентда масъул вазифага ишга тайинланади. Шу ерда онам Зоя Алексеенко билан танишиб, турмуш қуради. Лекин ота-онамнинг бахти қисқа экан... 1937 йил ёзда меҳнат таътили чоғида отам ҳибсга олинади, шўрлик онам эса "халқ душмани"нинг рафиқаси сифатида октябрь ойида мен билан бирга қамалади.

Элла опа тишини-тишига қаттиқ босади. Қошини чимиради. Ичидан отилиб келаётган аллақандай хўрликни ошкор этмаслик мақсадида бошини эгади. Юзларини қўллари билан тўсади. Оғир бир жимлик чўкади.

Кўнглимиз, этимиз жимирлайди. Қандай таҳқир бу?! Ахир қандай залолатга ботган замонки, отасини кишанласа, онасини хўрласа. Икки яшар қизалоқни оёғости қилса. Энг аламлиси, "халқ душмани" деган мудҳиш тамға босилган оилаларнинг фарзандлари даставвал оналари билан банди қилингач, сўнгра узоқ-узоқлардаги етимхоналарга жўнатилар экан. Шу билан унинг хотирасига, ўтмишига нуқта қўйиларкан. Элла опа бувиси ва бувасининг саъй-ҳаракати билан пешонасига "манқуртлик" муҳри урилишидан қутулиб қолади. Уларнинг қўрқувдан қақшаган бағрига қайтади.

— Онам қамоқдан чиқиб келгач, менга термилиб, сочимни силарди, — дейди Элла опа Аллақулова. — Дардини айтмасди. Улғайиб, ақлимни таниганимдан бошлаб элас-элас эслаганча мен меҳру муҳаббатига тўймаган падари бузрукворим ҳақида хотираларини айтишга чоғланди. Шу хотиралардан бири мен учун жуда ҳам маъюс, аянчли. Онам дадамни тутқун қилишган куни қизил одеял берган экан. Бир куни десангиз, юк машинасида боши қизил одеялга ўралган бир одамни қаергадир олиб кетишаётганини кўрибди. Маҳбусалар онамга "Буни отишади", дейишибди. Кечқурун онамнинг бирданига қизил одеял бергани ёдига тушибди. Бетон деворни муштлаб бақирибди, унга бошини урибди...

Бу даҳшат. Аёлнинг қалбини бурдалаш, туйғулари устидан қаҳқаҳа уриб кулишдан ҳам баттар пасткашлик.

— Бувим журналистика соҳасида Германиядаги Дармштадт университетида таҳсилни тугаллаб, 1928 йилда Тошкентга қайтадилар, — дейди биз билан суҳбатда шўро тузумининг қатағон даври офатларини бошдан ўтказган ўз даврининг таниқли журналисти Марям Султонмуродованинг невараси, фалсафа фанлари номзоди Маргарита Аҳмадбекова. — Дастлаб Эски шаҳардаги ўқув муассасасида бўлим мудири бўлиб, 1935 йилдан эса "Гулистон" журналида ишлайдилар. Ўзбек аёлларига бағишланган қатор очерк ва ҳикоялар ёзадилар. Жаҳон адабиётининг буюк намояндалари Гёте ва Пушкин ижоди хусусида туркум мақолалар эълон қиладилар. Хуллас, жўшқин ижодий фаолиятга астойдил киришган пайтлари, тўсатдан туҳмат тошлари бошларига ёғилади. "Жосус" деган уйдирма билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинадилар. Бувим ҳуқуқ илмини пухта билганлари учун суд жараёнида терговнинг қалбакилаштирилганини фош этиб ташлайдилар. Шунда маҳкама расмийлари "Гўдакларингни тортиб оламиз", деб очиқдан-очиқ пўписага ўтишади. Ноилож қолган бувим улар ўйлаб топган "гуноҳ"ни бўйнига оладилар. 1947 йили озодликка чиқадилар. Бир-икки йил ўтар-ўтмас тағин...

Марям Султонмуродова 1954 йили сургундан қайтади. 1957 йилда бутунлай оқланади. Бироқ барибир оиласи қўним топган Тошкент шаҳрида яшашига рухсат берилмайди. Умрининг охиригача туғилган қишлоғи Чандирқиятда назорат остида яшайди. Орзулари ушалмай, кўкси тўла армон билан 1972 йили вафот этади.

Нажот ота Ҳайдаров, Элла Аллақулова, Маргарита Аҳмадбекова Президентимиз ташаббуси ва ғоялари асосида барпо этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуига мунтазам зиёратга келишади. Бўзсув устига қурилган кўприкда қуёш нурида товланаётган тўлқинларга боқишади. Балки оталари суврати кўринар унда... Рамзий мақбарага бориб, дуои-фотиҳа қилишади. Мажмуага туташ "Қатағон қурбонлари" музейига кириб, бўлимлар залларини синчиклаб айланишади. Музей ходимлари билан суҳбатлашишади. Улар музейда тез-тез бўлиб турадиган учрашувлар, мулоқотларда фаол.

— Шаҳидлар хиёбони — шаҳримизнинг юраги, табаррук ва муқаддас жой, — дейди Юнусобод тумани "Нуроний" жамғармаси раиси Анвар Ғуломов. — Туманимизда 53 та маҳалла бор, 203 нафар уруш қатнашчиси, 1350 нафар фронт ортида меҳнат қилганлар, 20 га яқин қатағон жабрдийдалари яшайди. Барчаси давлатимиз, халқимиз ардоғида. Фахрийларимиз ҳар бир хайрли ишда маслаҳатгўй, бош-қош. Бир ибратли воқеани айтай, Уста Ширин маҳалласида ёшлари 80 дан ўтган Акмал ота Акрамов яшайдилар. Ҳалиям шижоатли, ғайратли. "Истиқлол — новвотдан ширин, унинг таъмини, қадрини билсин болаларимиз", дебдилар-да, 150-мактаб маъмурияти билан келишиб, ўқувчи болаларни зиёратга олиб келибдилар. "Шаҳидлар хиёбони" ёдгорлик мажмуи ҳақида шундай тўлқинланиб гапирибдиларки, болалар атрофларидан бир қадам нари жилишмабди. Отахоннинг бу ибратидан туманимиз мактабларининг тарих ўқитувчилари таъсирланиб, навбатма-навбат очиқ дарсларни руҳлар барҳаёт табаррук манзилда ва музейда ўтказишди. Бу анъана ҳозир ҳам давом этаяпти.

— Ҳаракатимизнинг 80 мингдан ортиқ аъзоси Истиқлолимиз меъмори Юртбошимиз яратиб берган улкан имкониятлардан фойдаланиб, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш учун астойдил интилмоқдалар, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Юнусобод тумани бўлими раҳбари Фарҳод Фузаилов. — Биз мураккаб, таҳликали, хатарли кунларни бошдан ўтказган аждодларимизни доимо хотирлаймиз. Албатта, биз тинчлик, бунёдкорлик, бахт ва саодат даврининг фарзандларимиз. Юртбошимиз нима керак бўлса, барчасини биз учун муҳайё қилиб берганлар. Дам оламиз десак, ана, Аквапарк, ўқиймиз десак, кошона мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, спорт билан шуғулланаман, десак, сув ҳавзалари, стадионлар, тренажёр заллари... Бизга яна нима керак? Байрамларимиз, тадбирларимиз кўп. Ҳаётимиз хушнудликда ўтаяпти... Шу билан бирга, ота-боболаримизнинг жасоратини ҳар лаҳза ёд этиш бурчимиз. Уларнинг метин иродаси, букилмаган бардоши, мардлиги бизга ифтихор бахш этади. Улар кўрмаган, аммо юрак-юрагида орзулаган ҳозирги бундай фараҳбахш даврнинг қадрига етишимиз, тарихий сабоқларни сира унутмаслигимиз даркор.

Дарҳақиқат, аянчли ўтмишни зинҳор ёддан чиқармаслигимиз керак.



Бир вақтлар "Алвасти кўприк" номи билан одамлар юрагига ғулғула солган жой эндиликда ҳар биримизнинг қалбимизга ойдин нур таратаяпти. Машъум йилларда содир этилган бедодликларда юртимиз бўйича 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланган эди. Ноҳақ айбланганлар, умри кунпаякун қилинганларга ҳаётини, ёшлигини, болалигини ким қайтариб беради? Яхшиямки, Истиқлол келди. Унинг қуёши зимзиё тунларни ёритди. Тарихий ҳақиқат ва адолат тикланди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган руҳи поклари бугун барчамиздан эзгу ишларимиздан рози бўлиб, шояд ором топган бўлса, ажаб эмас".

* * *

Элла опа, Нажот ота, Маргарита опа зиёрат сўнгида кўзлари ёниб, лабларига табассум югуриб, узоқ вақт бир-бирлари билан чақчақлашишди. Шунда ёнларига бориб, оҳиста сўрадик: "Нима гап ўзи?". Индашмади. Фақат Нажот ота "Биз отамизни, синглимиз бувисини кўрди, қанот қоқиб учиб юришибди. Улар бугунги кунлардан шод, миннатдор..." дедилар.

Ажабландик. Улар кетишди. Анча пайт Нажот отанинг гапини уқмай, ҳайрон бўлдик. Мармар зиналардан қадам қўйиб кўтарилаётганимизда, онаси қўлидан ушлаган жажжи қизалоқ қийқириб юборди: "Ойи, қаранг, каптарлар, оппоқ каптарлар". Ўгирилдик, рамзий мақбара тепасида бир гала оқ кабутарлар айланиб, айланиб парвоз қилишарди...

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ, шарҳловчи.**

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

***Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида етук мутахассислар тайёрлаш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида Оролбўйида ҳам кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.***

# УСТОЗЛАР АНЖУМАНИ

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ташкил этилган 10 академик лицей ва 91 касб-ҳунар коллежида 96 минг нафардан зиёд ўғил-қиз таҳсил олаяпти. Айни пайтда мазкур билим масканларида таълим-тарбиянинг узвий тарзда, юқори педагогик технологиялар асосида олиб борилиши туфайли фан олимпиадалари ва турли спорт мусобақаларида яхши кўрсаткичларга эришаётган ёшлар сафи кенгаймоқда.

Замонавий қиёфадаги коллеж ва лицейлар моддий-техник базаси йил сайин мустаҳкамланиб, энг сўнгги русумдаги ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда. Таълимнинг назария ва амалиёт уйғунлигида йўлга қўйилгани, ўқувчилар ўзлари танлаган йўналиш ҳамда касб-ҳунар бўйича етарли кўникма ҳосил қилишлари учун барча шарт-шароит мавжудлиги ёшларга катта имкониятлар яратаётир.

Жорий йилда Нукус ҳуқуқшунослик коллежи ташкил этилиб, 540 ўқувчига мўлжалланган янги таълим маскани қурилиши изчил амалга оширилмоқда. Шунингдек, янги ўқув йилида 19 коллеж ва академик лицейни ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, 10 та коллежнинг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарига янги ускуналар ўрнатиш кўзда тутилган.

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусиқа театрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқитувчилари иштирокида ўтказилган анъанавий август кенгашида ана шулар хусусида сўз юритилди. Анжуманда жорий йилда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканларига қабул қилинган 28 минг 448 нафар ўқувчига юксак даражада таълим-тарбия беришда ўқитувчи-мураббийлар олдидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

**А. ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.**


## Ўзбекистон Бадиий академияси





## ОБ-ҲАВО

**(28 август)**



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 16-21, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 13-18, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 15-17, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


*"Kafolat" DASK (ОАЖ) "Андеррайтинг маркази" филиали KF 0339331 ва KF 0339340 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли бекор қилинганлигини билдиради.*

## ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ БЕРИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

**Сана** — 2010 йил 25 август.
**Кредит рақами** — 2191-UZB (SF) — «Умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» лойиҳаси.
**Шартнома номи** — Электрон ахборот-таълим ресурсларини етказиб бериш.

1. Тендерга таклиф бериш муддатларини узайтириш мақсадида «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 29 июлдаги 148-сонида «Электрон ахборот-таълим ресурсларини етказиб бериш» бўйича берилган тендерга таклиф эълонининг 8-банди қуйидагича ўқилсин:

*«8. Барча таклифлар ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзилга **2010 йилнинг 20 сентябрь** куни Тошкент вақти билан **15.00 дан** кеч қолмасдан топширилиши шарт. Таклифларда ҳар бир лот учун 500 000 (беш юз минг) сўм миқдоридаги таклиф кафолати бўлиши шарт. Яъни агар қатнашчи ҳамма лотлар учун таклиф топширса, 8 000 000 (саккиз миллион) сўм миқдорида таклиф кафолати тақдим этиши зарур. Хорижий қатнашчиларнинг таклиф кафолатлари юқорида келтирилган миқдорларнинг таклиф кафолати санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича АҚШ долларидаги эквивалентида бўлиши лозим. Кечиккан таклифлар рад этилади. Таклифлар қатнашишни истаган иштирокчилар вакиллари иштирокида **2010 йилнинг 20 сентябрь куни** Халқ таълими вазирлиги биносида **соат 15.30 да** очилади.»*

2. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

**100078, Тошкент шаҳри,**
**Мустақиллик майдони, 5-уй, 1-қават, 108-хона,**
**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,**
**Азизхон Акрамов, лойиҳа менежери.**
**Телефон: (+99871) 239-48-02. Факс: (+99871) 239-48-03.**
**Электрон манзил: ictbep@uzpak.uz**

839-1R/1022

## EXTENSION OF BID SUBMISSION DEADLINE

**Date** : 25th August 2010
**Loan No.** : 2191 - UZB (SF): ICT in Basic Education Project
**Contract Tite** : Supply of Electronic Educational Resources for Basic Education Schools

1. Clause 7 of Invitation For Bids for supply of electronic educational resources that appeared in the «Халқ сўзи» newspaper, issue #148 of 29th July 2010 shall be read as follows:

*«7. Bids must be delivered to the address given bellow at or before **3:00 pm** Tashkent time on **20th September 2010.** A Bid security shall be required. All Bids must be accompanied by a Bid Security in the amount of 500,000 (five hundred thousand) sums for each lot. Thus, for all lots the Bid security must be in the amount of 8,000,000 (eight million) UZS. International Bidders' Bid Security may be in USD at the exchange rate established by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan on the date of issue of the Bid Security. Late bids shall be rejected. Bids will be opened in the presence of the Bidders' representatives who choose to attend at **3:30 pm on 20th September 2010** at the address given bellow.»*

2. Additional information can be obtained at the following address:

**The Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan**
**A.Akramov, Project Manager**
**1st Floor, Room 108**
**5 Mustakillik sq.**
**Tashkent, 100078**
**Republic of Uzbekistan**
**Telephone: (+99871) 239-4802,**
**Fax: (+99871) 239-48-03**
**E-mail: ictbep@uzpak.uz**

839-2R/1022


«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 30 август, душанба куни чиқади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41775 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 22.30 1 2 4 5